

# Ижодий ҳамкорлик — ютуқлар гарови

**Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Central Asia — 2015» IX халқаро анжумани «Фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот-кутубхона ресурслари» мавзусига қаратилди.**

Тадбир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий таълим ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Россия, Болгария, Қозоғистон, Озарбойжон каби мамлакатлардан ташриф буюрган миллий, болалар ва ўсмирлар кутубхоналарининг етук мутахассислари фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида ахборот-кутубхона ресурсларини қўллаш ва ривожлантиришда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш борасида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, ташкил этилган

семинар ва тренинглар, маҳорат дарслари, тақдимотлар ҳамда уюштирилган экскурсияларда электрон ахборот ресурсларидан фойдаланишда ижодий бирлашмалар — консорциумлар яратиш, ахборот-кутубхона муассасалари, илмий ва таълимий муассасаларнинг электрон маълумотлар базалари ва интернет имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, уларга эркин киришни таъминлаш, мазмунан бойитишга қаратилган тадбирлар доирасини кенгайтириш сингари масалаларда мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Ахборот-ресурс марказлари бугун ўзгарувчан ва динамик маконга айланмоқда, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси ахборот-ресурс маркази директори Ойдин Раҳмонов. — Бу эса соҳа ходимларидан тинимсиз изланиш ва илғор тажрибалардан хабардор бўлиб боришни талаб этади. Айтиш мумкинки, бугунги анжуман биз учун ҳар томонлама манфаатли бўлди.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**